

**«ТАСДИҚЛАНДИ»
«ANOR BANK» АЖ
Акциядорларн умумий йиғилиши
_____ 2020**

(баённома № _____)

Кузатув кенгаши Раиси

**«ANOR BANK» АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ
ДИВИДЕНД СИЁСАТИ**

Тошкент – 2020

I. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1. Мазкур «ANOR BANK» АЖнинг Дивидент сиёсати (кейинги ўринларда – Сиёсат) Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси, Ўзбекистон Республикаси “Қимматли қоғозлар бозори тўғрисида”ги, «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги, “Тижорат банкларида корпоратив бошқарув тўғрисида”ги Низом (2000 йил 5 июлда 943-рақам билан рўйхатга олинган), «ANOR BANK» АЖ (кейинги ўринларда – банк) Устави ва бошқа амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ ишлаб чиқилган. Сиёсат фойдадан фойдаланиш қисмидаги ҳужжат бўлиб, дивидендларни аниқлаш ва тўлашда асосий принципларни, дивидендларни тўлаш (эълон қилиш) тўғрисида қарор қабул қилиш тартибини, дивидендлар миқдорини ҳисоблаш ва уларни тўлаш тартибини белгилайди ва акциядорлар ва бошқа манфаатдор шахсларни банкнинг дивиденд сиёсати тўғрисида хабардор қилишга қаратилган.

2. Ушбу Сиёсатда ишлатиладиган атамалар ва таърифлар, агар ушбу Сиёсатда бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, Ўзбекистон Республикасининг акциядорлик жамиятлари ва қимматли қоғозлар тўғрисидаги қонун ҳужжатларида ишлатилган маънода қўлланилади.

Ушбу Сиёсатнинг мақсадлари учун қуйидаги атамалар ва таърифлардан фойдаланилади:

акциядорларнинг умумий йиғилиши – банк бошқарувининг олий органи;

дивидендлар - акциядорлар ўртасида тақсимланган банкнинг соф фойдасининг бир қисми;

эълон қилинган дивидендлар - акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан тўлаш тўғрисида қарор қабул қилинган дивидендлар;

дивидендлар олиш ҳуқуқига эга бўлган шахс - акциядорларга дивидендлар тўлаш тўғрисида қарор қабул қилинган акциядорларнинг умумий йиғилиши ўтказиш учун шакллантирилган, банк акциядорлари реестрида қайд этилган шахс;

дивидендларни тўлаш (эълон қилиш) тўғрисидаги қарор – дивидендларни олиш ҳуқуқига эга бўлган шахсларга дивидендлар тўлаш тўғрисидаги ҳисобот йилнинг биринчи чораги, ярим йиллиги, тўққиз ойи ва (ёки) ҳисобот йилнинг натижаларига бўйича қабул қилиниши мумкин бўлган акциядорлар умумий йиғилишининг қарори

дивидендларни тўлаш муддати - дивидендларни тўлаш мажбурияти бажарилган кун ёки дивидендларни тўлаш мажбурияти бажарилиши керак бўлган вақт даври. Дивидендларни тўлаш мажбурияти ўша куни ёки шу муддат ичида исталган вақтда амалга оширилади

3. Ушбу Сиёсат билан тартибга солинмаган масалалар Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилиги ва банкнинг ички ҳужжатлари билан тартибга солинади.

II. ДИВИДЕНДЛАР ТЎҒРИСИДАГИ АСОСИЙ ҚОИДАЛАР

4. Дивиденд банк соф фойдасининг акциядорлар ўртасида тақсимланадиган қисмидир. Дивиденд акциядорларнинг умумий йиғилиши қарорига кўра пул маблағлари ёки бошқа қонуний тўлов воситалари ёхуд банкнинг қимматли қоғозлари билан тўланиши мумкин.

Банкнинг имтиёзли акциялари бўйича дивидендларни қимматли қоғозлар билан тўлашга йўл қўйилмайди.

Дивиденд акциядорлар ўртасида уларга тегишли акцияларнинг сони ва турига мутаносиб равишда тақсимланади.

5. Барча турдаги акциялар бўйича дивидендлар тўлаш тўғрисидаги қарор банкнинг мажбурияти эмас, балки ҳуқуқидир.

Банк томонидан жойлаштирилган оддий ва имтиёзли акциялар эгалари дивиденд олиш ҳуқуқига эгадирлар.

6. Дивидендларни тўлаш манбаи банк тасарруфида қолган соф фойда ва (ёки) ўтган йиллардаги тақсимланмаган фойда ҳисобланади. Имтиёзли акциялар бўйича дивидендлар жамиятнинг бунинг учун махсус мўлжалланган фондлари ҳисобидан ҳам тўланиши мумкин. Банкнинг соф фойдаси банкнинг молиявий ҳисоботи маълумотларига кўра белгиланади.

7. Банк дивидендларни фаолият натижалари ва ўрта ва узоқ муддатли ривожланиш режаларини ҳисобга олган ҳолда тўлайди.

8. Банк фақат эълон қилинган дивидендларни тўлайди. Дивидендларни тўлаш (эълон қилиш) тўғрисида қарор қабул қилинмаган тақдирда, банк дивидендларни тўлашга, акциядорлар эса уларни тўлашни талаб қилишга ҳақли эмас.

9. Эълон қилинган дивидендларни тўлаш банк мажбурияти ҳисобланади. Банк ушбу мажбуриятни бажармаганлиги учун дивидендлар олиш ҳуқуқига эга бўлган шахслар олдида Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига мувофиқ жавобгар бўлади.

10. Банк Бошқаруви эълон қилинган дивидендларни ўз вақтида ва тўлиқ тўлашни таъминлайди.

III. ДИВИДЕНТ СИЁСАТИ ШАРТЛАРИ

12. Банкнинг дивиденд сиёсати қуйидаги шартларга асосланади:

а) Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилиги ва Банк Уставининг нормаларига риоя қилиш;

б) корпоратив бошқарувнинг юқори стандартларига жавоб беришга интилиш;

в) банк рентабеллигини оширишда бошқарув ва акциядорларнинг манфаатларини таъминлаш;

г) банк ва унинг акциядорларининг қисқа ва узоқ муддатли манфаатларининг мақбул комбинацияси;

д) банкнинг инвестиция жозибадорлигини ва унинг капиталлашувини ошириш;

е) дивидендлар миқдорини, уларни тўлаш тартиби ва муддатларини белгилаш механизмининг максимал шаффофлигини таъминлаш;

ж) акциядорларнинг Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигида ва энг яхши корпоратив бошқарув амалиётида назарда тутилган ҳуқуқларини ҳурмат қилиш ва уларга қатъий риоя қилиш.

13. Дивидендларни тўлашнинг тавсия этилган миқдори банк фаолиятининг молиявий натижаларига биноан Банк Кузатув кенгаши томонидан белгиланади.

14. Кузатув кенгаши банк томонидан жойлаштирилган акциялар турлари бўйича акциядорларнинг умумий йиғилишига тавсия қилинган дивидендлар миқдорини белгилашда қуйидаги омилларни ҳисобга олади:

- Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқ тузилган банкнинг бухгалтерия ҳисоботига биноан банкнинг соф фойдаси миқдори;

- халқаро молиявий ҳисобот стандартларига мувофиқ тузилган банкнинг консолидация молиявий ҳисоботига биноан банкнинг соф фойдаси миқдори;

- бизнесни барқарор ривожлантириш ва стратегиясини амалга ошириш учун банкнинг капиталга бўлган эҳтиёжи, Ўзбекистон Республикаси ва Марказий банк қонунчилигининг амалдаги ва истиқболдаги талабларига, шунингдек Банк назорати бўйича Базел кўмитасининг тавсияларига мувофиқлиги;

- иқтисодий аҳвол ва иш муҳитининг ҳолати ва динамикаси, банк фаолияти натижаларига сезиларли даражада салбий таъсир кўрсатган ёки таъсир қилиши мумкин бўлган бошқа ташқи ва ички ўзгаришлар;

- банкнинг инвестиция жозибадорлигини ошириш зарурлигини ҳисобга олган ҳолда банк ва унинг акциядорлари манфаатлари мувозанатини сақлаш;
- банк фаолиятига ва дивидендлар миқдори тўғрисида қарор қабул қилишга сезиларли таъсир кўрсатиши мумкин бўлган бошқа омиллар.

IV. ДИВИДЕНДЛАРНИ ТЎЛАШ ТЎҒРИСИДАГИ ҚАРОР ҚАБУЛ ҚИЛИШ ТАРТИБИ

15. Акцияларнинг ҳар бир тури бўйича дивидендлар тўлаш(эълон қилиш), шу жумладан, дивиденднинг миқдори, уни тўлаш шакли ва тартиби тўғрисидаги қарор банк кузатув кенгашининг тавсияси, молиявий ҳисоботнинг ишончилиги ҳақида аудиторлик хулосаси мавжуд бўлган тақдирда, молиявий ҳисобот маълумотлари асосида акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан қабул қилинади.

16. Банк ҳисобот йилнинг биринчи чораги, ярим йиллиги ва тўққиз ойи натижаларига кўра ва (ёки) ҳисобот йил натижаларига биноан, жойлаштирилган акциялар бўйича дивидендлар тўлаш тўғрисида қарор қабул қилишга (эълон қилишга) ҳақли.

Ҳисобот йилнинг биринчи чораги, ярим йиллиги ва тўққиз ойи натижаларига кўра дивидендлар тўлаш (эълон қилиш) тўғрисидаги қарор тегишли давр тугагандан кейин уч ой ичида қабул қилиниши мумкин.

17. Акциядорларга дивиденд тўлашнинг мажбурий шартлари қуйидагилардан иборат:

- дивидендлар тўлаши керак бўлган давр натижаларига биноан банк соф фойдасининг мавжудлиги;
- дивидендларни тўлашда Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига мувофиқ чекловлар мавжуд эмамлиги.

18. Дивидендларни тўлаш тақиқланади, агар бунинг оқибати банкнинг молиявий-иктисодий аҳволи сезиларли даражада ёмонлашиши мумкин бўлса.

19. Дивидендларнинг миқдори Банк кузатув кенгаши томонидан тавсия этилган миқдордан кўп бўлиши мумкин эмас. Акциядорларнинг умумий йиғилиши акцияларнинг муайян турлари бўйича дивидендлар тўламаслик тўғрисида, шунингдек банк уставида дивиденд миқдори белгилаб қўйилган имтиёзли акциялар бўйича тўлиқ бўлмаган миқдорда дивидендлар тўлаш ҳақида қарор қабул қилишга ҳақли. Дивидендлар тўлаш тўғрисидаги қарорда дивидендлар тўлаш бошланадиган ва тугалланадиган саналар кўрсатилган бўлиши лозим.

20. Дивидендларни тўлаш тўғрисидаги қарори билан қуйидагилар аниқланади:

- ҳар бир турдаги акциялар бўйича дивидендлар миқдори;
- дивидендларни тўлаш шакли;
- дивидендларни тўлаш тартиби;
- дивидендлар олиш ҳуқуқига эга бўлган шахслар белгиладиган сана.

21. Жойлаштирилган акциялар турлари бўйича дивидендлар тўлаш тўғрисидаги қарор акциядорларнинг умумий йиғилиши кун тартибидаги алоҳида масала сифатида акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан қабул қилинади.

22. Ҳисобот йилининг натижаларига биноан жойлаштирилган акциялар бўйича дивидендлар тўлаш тўғрисидаги қарор акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан қабул қилинади. Банк дивидендлар миқдорини улардан олинадиган солиқларни ҳисобга олмаганан ҳолда эълон қилади. Банк тўланадиган дивидендлар миқдори тўғрисидаги маълумотларни Корпоратив ахборот ягона портали (www.openinfo.uz) ва банкнинг веб-сайтида (www.anorbank.uz) нашр қилади.

V. ДИВИДЕНДЛАР ОЛИШ ҲУҚУҚИГА ЭГА БЎЛГАН ШАХСЛАР

23. Акциядорларга дивидендлар тўлаш тўғрисида қарор қабул қилинган акциядорларнинг умумий йиғилиши ўтказиш учун шакллантирилган, банк акциядорлари реестрида қайд этилган шахслар акциялар бўйича дивиденд олиш ҳуқуқига эгалар.

24. Акциядорларнинг умумий йиғилиши ўтказиш санасига қадар 3 кун олдин шакллантирилган, банк акциядорлари реестрида қайд этилган акциядорлар акциядорларнинг умумий йиғилишида қатнашиш ҳуқуқига эгалар

25. Акциядор ўз маълумотларига ўзгартиришлар киритилганлиги тўғрисида ўз акцияларига бўлган ҳуқуқларни рўйхатдан ўтказиш учун хизмат кўрсатувчи инвестиция воситачисини ўз вақтида хабардор қилиши шарт. Акциядор ўз маълумотларининг ўзгариши тўғрисида маълумот бермаган ҳолларда, акцияларга бўлган ҳуқуқларни қайд этиш бўйича хизматларни кўрсатадиган инвестиция воситачиси бу борада акциядорга етказилган зарар учун жавобгар бўлмайди.

VI. ДИВИДЕНДЛАРНИ ТЎЛАШ ТАРТИБИ ВА МУДДАТЛАРИ

26. Банк эълон қилинган дивидендларни банк акциядорлари умумий йиғилишининг қарори ва банк уставига белгиланган миқдорда ва муддатларда тўлаши шарт. Дивидендларни тўлаш муддати шундай қарор қабул қилинган кундан эътиборан 60 (олтмиш) кундан кеч бўлмаслиги лозим.

27. Дивидендларни тўлаш чоғида биринчи навбатда имтиёзли акциялар бўйича, сўнгра оддий акциялар бўйича дивидендлар тўланади. Имтиёзли акциялар бўйича қатъий белгиланган дивидендларни тўлаш учун етарли миқдорда фойда мавжуд бўлган тақдирда жамият мазкур акцияларнинг эгаларига дивидендлар тўлашни рад этишга ҳақли эмас. Банк рад этган тақдирда акциядорлар дивидендлар тўланишини суд тартибида талаб қилиши мумкин. Банк етарли миқдорда фойдага эга бўлмаган ёки зарар кўриб ишлаётган тақдирда, имтиёзли акциялар бўйича дивидендлар банк томонидан банкнинг фақат шу мақсад учун ташкил этилган захира фонди ҳисобидан ва ушбу фонд доирасида тўланиши мумкин.

28. Банк дивидендларни тўлаш муддатининг исталган кунда дивидендларни тўлаш мажбуриятини бажаришга ҳақлидир.

29. Банк эълон қилинган ва ҳисобланган дивидендларни тўлаш муддатлари бўйича алоҳида акциядорларга ҳеч қандай имтиёзли шартларни тақдим этмайди.

30. Ҳар бир акциядорга тўланадиган, ҳисобланган дивидендлар миқдори ҳар бир тоифадаги акциялар бўйича битта акцияга тўғри келадиган дивидендларни акциядорга тегишли бўлган акциялар сонига кўпайтириш йўли билан ҳар бир тоифага кўра алоҳида белгиланади.

31. Дивидендлар пул шаклда тўланади. Дивидендларни тўлаш банк томонидан банк ўтказмаси орқали амалга оширилади.

32. Акцияларга бўлган ҳуқуқлари банк акциядорлари реестрида қайд этилган жисмоний шахсларга дивидендларни пул шаклида тўлаш, пул маблағларни банкнинг рўйхатга олувчиси ва инвестиция воситачисида мавжуд бўлган банкдаги ҳисоб рақамларига ўтказиш йўли билан амалга оширилади.

33. Жамият Ўзбекистон Республикаси норезидент акциядорининг ёзма талабига кўра унга ҳисобланган дивидендларни эркин айирбошладиган валютага айирбошлаб, маблағларни норезидент акциядор тақдим этган банк ҳисобварағига ўтказиб бериши шарт. Жамият акциядорларининг реестридан олинган, жамият томонидан тасдиқланган кўчирма ҳамда жамият бухгалтериясининг ҳисобланган дивидендлар суммаси ва улар ҳисобланган сана тўғрисидаги маълумотномаси айирбошлаш учун асос бўлиб хизмат қилади.

34. Агар банкка боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра эълон қилинган дивидендлар акциялар эгаларига (талаб қилинмаган дивидендлар) тўланмаса, банк бундай дивидендларни Ўзбекистон Республикаси қонунларида белгиланган тартибда тўлайди. Талаб қилинмаган дивидендлар бўйича фоизлар ҳисобланмайди.

35. Ўзининг акцияларига бўлган ҳуқуқларини қайд этиш бўйича хизмат кўрсатувчи банк, рўйхатга олувчи, инвестиция воситачиси, дивидендларни ўтказиш учун аниқ ва зарур манзил маълумотларига ёки банк реквизитларига эга бўлмаганлиги сабабли ёки бошқа кечикиш сабабли эълон қилинган дивидендларни олмаган шахс бундай дивидендларни (талаб қилинмаган дивидендларни) тўлаш тўғрисида қарор қабул қилинган кундан бошлаб уч йил ичида тўлаш талаблари билан мурожаат қилиш ҳуқуқига эга. Бундай муддат тугаши билан эълон қилинган ва талаб қилинмаган дивидендлар акциядорлар умумий йиғилишининг қарори билан банкнинг тақсимланмаган фойдаси сифатида тикланади ва уларни тўлаш мажбурияти тўхтабди. Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига мувофиқ, ўз акцияларини рўйхатдан ўтказиш жойида – депозитарийга ёки банк рўйхатга олувчисига, - ўзларининг банк / почта маълумотларини ёки уларнинг ўзгариши тўғрисидаги маълумотларни тақдим этмаган акциядорларга дивидендлар тўламаганлиги сабабли этказилган зарар учун банк жавобгар бўлмайди.

36. Агар банк акциялар бўйича эълон қилинган дивидендларни тўлаш ҳуқуқига эга бўлмаган Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолатлар юзага келса, банк дивидендларни тўлашни тўхтатиб туриши шарт. Ушбу ҳолатларда дивидендлар тўлашнинг тўхтатилиши акциядорларни уларни тўлашга тўсқинлик қиладиган ҳолатлар тугаганидан кейин эълон қилинган дивидендларни олиш ҳуқуқидан маҳрум қилмайди. Ушбу ҳолатлар тугатилгандан сўнг, банк акциядорларга эълон қилинган дивидендларни тўлаши шарт.

37. Ўзбекистон Республикасининг солиқлар ва йиғимлар тўғрисидаги қонун ҳужжатларида белгиланган ҳолларда, банк солиқ агенти функцияларини бажаради, Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексига мувофиқ дивидендларга нисбатан солиқ суммаларини ушлаб қолади ва бюджетга ўтказилади. Акционерларга дивидентлар ушлаб қолинган солиқлар суммаси айрилган ҳолда ўтказилади.

38. Банк ижро этувчи органлари эълон қилинган дивидендларнинг тўлиқ ва ўз вақтида тўланиши учун жавобгардир.

39. Банкнинг дивидендларни тўлаш бўйича мажбурияти дивидендлар олиш ҳуқуқига эга бўлган шахснинг банк ҳисобварағи очилган кредит ташкилотига маблағлар тушган кундан бошлаб бажарилган ҳисобланади.

40. Банк ўз мажбуриятларини бажармаган тақдирда, Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига мувофиқ жавобгар бўлади ва акциядорлар суд тартибида тегишли мажбуриятларнинг бажарилишини талаб қилиш ҳуқуқига эга.

VII. ДИВИДЕНДЛАРНИ ТЎЛАШГА ДОИР ЧЕКЛОВЛАР

41. Банк дивидендларни тўлаш тўғрисида қарор қабул қилишда (декларация қилишда) ва дивидендларни тўлаш жараёнида Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигида белгиланган чекловларга амал қиладди.

42. Банк:

- банк устав фондининг (устав капиталининг) ҳаммаси унинг таъсис этилиши чоғида тўлиқ тўлаб бўлингунига қадар;

- агар дивидендлар тўланадиган пайтда банкда банкротлик белгилари мавжуд бўлса ёки банкда шундай белгилар дивидендларни тўлаш натижасида пайдо бўлса;

- агар банк соф активларининг қиймати унинг устав фонди (устав капитали) ва захира фонди суммасидан кам бўлса, акциялар бўйича дивидендлар тўлаш тўғрисида қарор қабул қилишга ҳамда дивидендлар тўлашга ҳақли эмас.

43. Банк акциядорларга дивидендлар тўлаш орқали фойдани тақсимлашни қуйидаги ҳолларда амалга оширишга ҳақли эмас:

- пруденциал нормативлар Ўзбекистон Республикаси Марказий банк (кейинги ўринларда – Марказий банк) томонидан белгиланган талабларга мувофиқ бўлмаганда ёки улар мазкур тақсимлаш оқибатида бузилганда;

- ночорлик (банкротлик) бўлганда ёки мазкур тақсимлаш оқибатида ночорликнинг (банкротликнинг) аломатлари юзага келганда;

- Марказий банкнинг ижро этилиши мажбурий бўлган кўрсатмасида акс эттирилган, шу жумладан ахборотни ошкор этиш борасида кўрсатилган камчиликлар бартараф этилмаганда ёки уларни бартараф этиш имконияти мавжуд бўлмаганда;

- Марказий банкнинг фойдани тақсимламаслик тўғрисида банкка нисбатан талаби мавжуд бўлганда.

44. Банк қуйидаги ҳолларда фойдани тақсимлаш учун Марказий банкнинг розилигини олиши керак:

ушбу модда биринчи қисмининг биринчи хатбошисида кўрсатилган тўловларнинг умумий суммаси банкнинг ўз капиталининг ўн фоизидан ортганда;

жорий ёки ўтган чорақда ва (ёки) молия йилида зарар мавжуд бўлганда.

45. Ушбу бобда кўрсатилган ҳолатлар тугатилгандан сўнг, банк акциядорларга ҳисобланган дивидендларни тўлаб беришга мажбур.

VIII. АКЦИЯДОРЛАНИ ДИВИДЕНТ СИЁСАТИ ТЎҒРИСИДА ХАБАРДОР ҚИЛИШ

46. Банк акциядорларга ўзининг дивиденд сиёсати тўғрисида қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда, шунингдек Интернет тармоғидаги банкнинг www.anorbank.uz сайтида хабар беради,

Банк сайтида жойлаштирилган маълумотлар ушбу Сиёсатни ва унга киритилган барча ўзгартириш ва қўшимчаларни ўз ичига олади.

IX. ЯКУНИЙ ҚОИДАЛАР

47. Мазкур Сиёсат, шунингдек унга киритилган ўзгартиш ва қўшимчалар Банк Кузатув кенгашининг қарори билан тасдиқланади.

48. Ушбу Сиёсатда кўзда тутилмаган бошқа барча ҳолатларда банк амалдаги қонунчилик ҳужжатларига амал қилади.

49. Агар ушбу Сиёсат қоидалари Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига ёки банк Уставига зид келадиган бўлса, ушбу Сиёсатга ўзгартиришлар киритилгунга қадар, ўз навбатида, Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилиги, бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва банк Уставига амал қилиниши керак.

Шу билан бирга, банкнинг тегишли органи ушбу сиёсатни Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилиги / ёки банк Уставига мувофиқ қайта кўриб чиқилишини ва тuzатилишини таъминлайди.